



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси тадбирларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



«Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон ҳукумати билан Саудия Арабистони подшоҳлиги ҳукумати ўртасида ҳаво катнови тўғрисидаги битим тасдиқланди.



Вазирлар Маҳкамасининг «Sea Breeze Uzbekistan» умум-масъумий курорт мажмуасини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ҳужжатга кўра, курорт ҳудудида атроф-муҳит ҳолати, жумладан, сув сифати устидан давлат органлари томонидан доимий назорат ўрнатилди.




Даниянинг Ўзбекистонга янги тайинланган элчиси Еспер Вар Ташқи ишлар вазирлигида ишонч ёрлиғини топширди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Дания ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилинди. Томонлар савдо, иқтисодиёт, таълим ва бошқа соҳаларда алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди.



Энергетика вазирлиги ақборот хизматида кўра, 2025 йил июль ойида юртимиздаги қувв ва шамол электр станциялари томонидан 1 миллиард 246 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бу мамлакат энергетика тизимидаги энг юқори ойлик кўрсаткич бўлиб, умумий электр генерациясининг 17 фоизини ташкил этган.

Айни пайтда юртимизда умумий қуввати 4 минг 119 мегаваттга тенг бўлган 11 та қувв фото-электр станцияси ва 4 та шамол электр станцияси фаолият юритиб, қайта тикланувчи манбалардан «яшил» энергия ишлаб чиқармоқда.



Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари томонидан «Улугбек Зиж» («Зижи жадиди Курагоний») асари илк бор ўзбек, рус, инглиз ва хитой тилларида нашр этилди.

Тарихдан маълумки, ушбу тарихий китоб XV асрнинг буюк астроном олимнинг асари бўлиб, Амир Темурининг набираси, Мовароуннаҳр султони Мирзо Улуғбек (1394-1449) бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан яратилган.

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлигига!

Айни кунларда хорижий тил ўқитувчилари қаттиқ хавотирда – кўпчилигига ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантириш хати берилган. Бунга асос қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори келтирилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2025–2026 ўқув йилига қадар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган хорижий тиллар ўқитувчилари камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим.

Бахтага қарши бундай сертификатга эга муаллимлар кўп эмас. Айримларининг сертификати мuddати тугаган. Бу, ўз навбатида, қатор саволларни юзага келтирмоқда.

Хўш, икки йил мuddат билан берилган мазкур сертификат бутун умрга берилдиган дипломдан устунми? Эки Вазирлар Маҳкамасининг қарори Конституция, Меҳнат кодекси ва «Педагогининг мақоми тўғрисида»ги қонундан устун бўлиши мумкинми?

Ҳолбуки, Бош қомусимизнинг 42-моддасида «Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга»лиги аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодексининг 4-моддасида эса ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эгаллиги таъкидланиб, «Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланади. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, қариндошларида судланганликнинг мавжудлиги, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик сифатлари ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнат ва машғулотлар соҳасида бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита чекловлар белгилаш, худди шунингдек, бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита имтиёзлар бериш камситишдир», деб кўрсатилган.

Модомики, шундай экан, тегишли дипломга, етарли тажрибага эга ва ўқувчиларга пухта билаётган ўқитувчи фақат сертификати йўқлиги учун ишдан бўшатилиши адолатданми?

Тўғри, сертификатлаштириш тизими хорижий тилни ўқитиш сифатини оширишда муҳим восита саналиши мумкин. Лекин уни мажбурий талабга айланттириш педагог ҳуқуқини чеклашдан бошқа нарса эмас.

Маълумотларга кўра, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлигига ушбу масала юзасидан тақдимнома киритган. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича кўрсатма берилгани, бу иш ноконуний, деб ҳисобланиши қайд этилган. Қисқача айтганда, вазирликдан Меҳнат кодексининг 54-моддаси, «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ жорий йилнинг 11 августга қадар ҳудудий ташкилотларга ва иш берувчиларга В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлмаган хорижий тиллар ўқитувчилари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнини тўхтатиш бўйича кўрсатма бериш сўралган.

Вазирлик тақдимнома талабларини ўз вақтида бажарса, хўп-хўп, акс ҳолда, кўп-кўп ўқитувчилар ишсиз қолиши ҳеч гап эмас.

Биз ҳам таълим сифатини ошириш тарафдоримиз. Аммо бу ишлар адолат, ҳуқуқ ва қонунийлик принциплари асосида ташкил этилиши зарур.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«Ishonch»

«ISHONCH» САВОЛИ

ҚАРОР ҚОНУНДАН, СЕРТИФИКАТ ДИПЛОМДАН УСТУНМИ?



«ОДАМЛАР ЭРТАГА ЁКИ УЗОҚ КЕЛАЖАКДА ЭМАС, БУГУН ЯХШИ ЯШАШНИ ИСТАЙДИ!»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг X Қурултойи бўлиб ўтди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг қайд этилган даъвати бугунги куннинг талабига айлангани яна бир бор таъкидланди. Бу бежиз эмас, албатта. Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Буни фуқаролар амалда, ўз кундалик ҳаётларида яққол сезишмоқда.

Қурултойда қатор масалалар кўриб чиқилиб, кенгашнинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинди. Дастлаб Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторовнинг маърузаси тингланди.

Қайд этилганидек, инсон қадрини улуғлаш йўлида юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган ишларда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг, хусусан, Давлат муассасалари ва



жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ҳам алоҳида ўрни бор. Буни сўнгги беш йилда қилинган залворли ишлар яққол исботлаб турибди.

– Ҳисобот даврида кенгашимизга 8 минга яқин мурожаат келиб тушди, – деди Анваржон Абдумухторов. – Шундан 4 мингдан ортиғи ижобий ҳал қилинди. Натижада 1000 дан зиёд ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди ва уларга 7 миллиард, шунингдек, қўшимча равишда иш берувчиларни текшириш натижасида ходимлар фондасига яна 2,2 миллиард сўм ундириб берилди. Бундан ташқари, Меҳнат инспекцияси томонидан 300 дан ортиқ мурожаат ўрганилиб, 154 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди, уларга 722 миллион сўм компенсация пуллари тўланадиган эришилди. Корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя этиш бўйича 278 марта жамоатчилик назорати ўтказилди. Камчиликларни бартараф этиш учун ташкилотларга 235 та кўрсатма юборилди. Натижада 2923 та камчилик бартараф этилди.

Маълумотларга кўра, меҳнат таътиллари, шартномалар, иш вақти, меҳнат муҳофазаси масалаларида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилиб, ходимлар манфаати ҳимоя қилинган. 2 минг 881 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилиб, 440 та ташкилотда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик ишлари кучайтирилган. 43 та вазирлик ва идора билан меҳнат муҳофазаси бўйича низом ва чора-тадбирлар келишилган. 222 мингдан ортиқ тадбирлар режалаштирилиб, 91 фо-



зи бажарилди. 214 марта ўқув-машғулотлар ва семинарлар ўтказилган.

Кенгаш ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини тиклаш борасидаги ишларга ҳам жиддий эътибор қаратди. Жумладан, 27 мингдан ортиқ ходим сиҳаттоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб келишди. Шунингдек, 46 мингдан зиёд бошланғич таълимнинг оромгоҳларида имтиёзли йўлланмалар асосида дам олиши таъминланди.

Кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларга 9,7 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2 миллиард сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. 5,7 миллиард сўмлик имтиёзли сўдалар, талабалар учун 4,6 миллиард сўмлик контракт тўловлари қоплаб берилди. Ёш болали аёллар учун иш вақти қисқартирилди, ходимларнинг иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши таъминланди. Иш берувчилар билан 70 дан ортиқ давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳисобот даврида 446 мингдан зиёд ходимлар учун Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, муқаддас қадамжолари ва дам олиш масканларига саёҳатлар ташкил этилди. 2025 йилнинг утган чорагида 68 мингдан ортиқ ходимлар ана шундай сайёҳлик тадбирларига жалб этилди. Шу билан



бирга, 112 нафар ходим чет эл саёҳатларига, соғломлаштириш ва дам олиш масканларига юборилди.

Тадбир давомида кенгаш раиси ва ўринбосарлари муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Унга кўра, Анваржон Абдумухторов навбатдаги мuddат учун кенгаш раиси, Одиложон Мирзаев, Абдуғаффор Солиқов ҳамда Мансуржон Маҳбубовлар унинг ўринбосарлари лавозимига сайландилар.

Шунингдек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тасдиқлаб олинди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда касба уюшмалари иштирокини кучайтириш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва меҳнат жамоаларида муносиб меҳнат шaroитларини яратиш каби масалалар назарда тутилмоқда.

Қурултой давомида вазирлик ва идоралар, ташкилот ва қўмиталар раҳбарларининг тармоқ касба уюшмаларига йўллаган таъриқлари ўқиб эшиттирилди.

Ғулмжон МИРАХМЕДОВ,
Эъзоа УМУРЗОҚОВА (фото),
«Ishonch» мухбирлари

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА**

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, муносиб турмуш тарзини яратиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Янгиланиш ва тараққиётнинг ҳар бир жараёни замирида ана шу ғоя муҳасса: инсон қадрини, унинг ҳаёти, меҳнати, эртаси учун давлат жавобгар!

**ИНСОН ҚАДРИ –
УСТУВОР
Йўналиш**

Эътироф этиш жоиз, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида касабани уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилувчи, ишчи ва иш берувчи ўртасидаги алоқанинг энг муҳим кўприғига айланган.

**УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК –
АДОЛАТ ВА БАРҚАРОРЛИК АСОСИ**

Навоий вилоятида ҳокимлик, касабани уюшмалари ва иш берувчилар иштирокида ташкил этилган уч томонлама комиссия бугунги кунда жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда самарали механизм сифатида ишламоқда. Бу ҳамкорлик асосида имзоланган ҳудудий жамоа келишувига эса ҳар бир ишчи учун ишонч ва қафолат манбаи бўлмоқда. Унинг ижроси доимий мониторинг асосида назорат қилиниб, ўз вақтида амалга оширилмаган вазифалар учун аниқ чора-тадбирлар белги-ланмоқда.

2020 йилда корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг бандлари 95,2 фоизга бажарилиб бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 97,9 фоизга етди. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ 2020 йилда 2 млн. 894 минг 100 сўмга тўғри келган бўлса, ҳозир 6 млн. 177 минг 500 сўмни ташкил этмоқда. Бу эса жамоа шартномалари орқали ҳимоя 2,5 бараварга ошганини кўрсатмоқда.

**ҲИМОЯ – РАҚАМЛАРДА
ЭМАС, ҲАЁТДА**

Амалга оширилаётган ишлар турли рақам ва кўрсаткичларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, вилоятда 2020 йилда касабани уюшмалари аъзолари сони 181 минг 247 нафар эди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш натижасида бу кўрсаткич ўтган йили 270 минг 748 нафарга етди. 2025 йилнинг 6 ойи давомида эса 485 та корхона ва ташкилотдаги 17 мингдан зиёд ишчи-ходимлар аъзоликка қабул қилинди. Энг муҳими, инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қўллаб-қувватланиб, меҳнат муҳити тобора яхшиланиб бормоқда.

Касабани уюшмалари томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши олиб борилаётган самарали ишлар, иш ҳақи, меҳнат шартногалари, жамоа шартномаларининг изчил бажарилиши, кам таъминланганларга кўмак – буларнинг барчаси жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлидаги амаллий қадамлар.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар қайси ташкилотда касабани уюшмалари фаолиятини таъминлаш ва раҳбарлар томонидан у билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш меҳнат муносабатларида барқарорлик ва адолат қафолатидир.

Хуршид ҲАЛИЛОВ,
Ўзбекистон касабани уюшмалари
Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши
раиси ўринбосари

АНЖУМАН

**«СИЗ БУГУНГИ КУН
ҚАҲРАМОНЛАРИСИЗ»**

Урганчада «Аёллар дафтари: 5 йиллик сарҳисоб – иқтисодий мустақилликдан ижтимоий фаоллик сари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раҳбарияти, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, «Аёллар дафтари»дан нажот топган хотин-қизлар иштирок этдилар.



– Бундан ўн йиллар аввал вилоят ҳокимлигида котибият мудири лавозимида ишлаган кезларим дардини айтиб келган аёлларга фақат таскин берардик, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Нигора Қутлимуратова. – «Аёллар дафтари» жуда кўплаб муаммоларга ечим топган ноёб тизим бўлиб, унинг шарофати билан хотин-қизларга индивидуал ёрдам кўрсатил-япти.

– Вилоятимизда 2020-2024 йиллар давомида «Аёллар дафтари» тизими орқали 227555 нафар хотин-қиз манзилли қўллаб-қувватланди, – деди Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бежонов. – Асосий эътибор эса ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъ-

саёхатларини ташкил этиш каби ишлар ҳам амалга оширилди. Тадбирда «Аёллар дафтари» туфайли жамиятда ўз ўрнини топиб, эндиликда етакчилик даражасига етишган фаол аёллар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

– «Аёллар дафтари»нинг биринчи босқичида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 33 миллион сўм имтиёзли кредит олгандим, – дейди Хива шаҳрида яшовчи кулол Дилноза Отажонова. – Кейинчалик оилавий корхонамизни янада кенгайтирдик. Халқаро танловда ғолиб бўлдик. Бугунги кунда корхонамизда 30 нафар аёл доимий, 40 нафар аёл касаначилик асосида ишлайди, яна 20 нафар қизга кулолчилик сирларини ўргатяпман.

Беш йил муқаддам кўмакка муҳтож бўлган, эндиликда эса ҳар бири ўн, йигирма, ўттиз ва ундан-да зиёд хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаб келаётган, тадбиркор сифатида танилган, интилувчанлиги билан маҳаллага, жамиятга ибрат бўлаётган, юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган аёллар бугунги кун қаҳрамонлари сифатида эътироф этилди. Шунингдек, «Етакчи аёллар клуби» фаолиятини кенг қамровли платформага айлантириш борасида зарур режалар белгиланди.

«Аёллар дафтари»дан чиққан етакчи аёллар Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгашининг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.

Мухаббат Тўрабоева
«ISHONCH»

САЁХАТ



**ЁРҚИН
ТААССУРОТЛАР**

Наманган шаҳридаги «Ўз-Часис» МЧЖ автотомбилларга ёритиш қисмлари етказиб берувчи йирик ишлаб чиқариш корхонаси саналади. Айни вақтда унда минг нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг бир гуруҳи яқинда Қирғизистоннинг хушманзара «Сари-Челек» дам олиш масканига боришди. Бу саёхат корхона касабани уюшмаси қўмитаси ҳамда раҳбарият қўмағида ташкил этилди.

Тоза ҳаволи жойлардаги жамоавий ўйинлар ва эстафеталар, кўл бўйидаги сўқмоқлар бўйлаб сайр қилиш, мусиқа ва викторинали кечки дастур, фотосессиялар ва гулхан атрофидаги дўстона учрашувлар барчада ёрқин таассурот қолдирди.

– Бундай маданий ҳордиқ ҳамкасбларимиз руҳиятини кўтаришга, маънавий-жисмоний тегишлигини тиклаш ва дўстона муҳит яратишига ишончимиз комил, – дейди корхона касабани қўмитаси раиси Улуғбек Каримов. – Жамоа – корхонанинг юраги. Биз нафақат қўлай меҳнат шартини, балки илиқ корпоратив маданиятини шакллантиришга ҳам интиламиз. «Сари-Челек» ходимлар учун кундалик ташвишлардан фориғ бўлиб, ҳордиқ чиқаришлари ҳамда куч-қувватга тўлишлари учун аjoyиб имконият бўлди.

– Мунтазам телевизор ёки смартфон кўриб ўтириш асаб тизими фаолиятига ва умуман танани жисмонан чиниқтиришга салбий таъсир қилади, – дейди таъминот тизими бўлими бош мутахассиси Баҳромжон Қайюмов. – Чинакам дам олиш ва бардам-бакувват бўлиш учун фаолиятимиз ва шароитимизни ўзгартириш зарур экан. Бу галги саёхатимиз айнан шу муаммони ҳал этишга ёрдам берди. Мана шундай гузал масканда дам олиш имконини берган касабани уюшмаси ва раҳбариятга раҳмат!

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



**«BO'STON-RESORT»
СЎЛИМ МАНЗИЛ**

Касабани уюшмалари ҳамisha меҳнаткашлар манфаатини таъминлашга, уларнинг соғлом дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Чунончи, яқинда Бухоро вилоятида яшовчи бир гуруҳ фаоллар ва педагогларнинг Қирғиз Республикасидаги Иссиқкўл қирғоғида, сўлим табиат қўйнида жойлашган «Bo'ston-Resort» соғломлаштириш мажмуасига саёхати уюштирилди.

Мажмуа бугунги кунда барча қўлайликларга эга, замонавий ва шинам дам олиш масканига айланган. Юқори даражадаги хизмат, маза-заали таомлар, ширин мевалар, қўлай хоналар, тоза ва саранжом-саришта муҳитдан баҳраманд бўлган меҳмонлар буни алоҳида таъкидлашди.

Дам олиш жараёни янада мазмунли қилиш мақсадида «Касабани сайр» жамоаси томонидан турли саёхатлар ҳам уюштирилди. «Эртақлар водийси», «Етти ўғиз», «Иссиқкўл» каби жойлар – табиатнинг бетакор қиёфаси барчада катта таассурот қолдирди.

Саёхатчилар бу маскан нафақат дам олиш, балки инсоний қадриятларни улуғлайдиган макон сифатида ҳам алоҳида ўринга эга бўлгани эътироф этиб, ўзларига бундай бахт улашган ташкилотчиларга чин дилдан миннатдорчилик билдиришди.

Убайдилло АКРАМОВ,
Давлат муассасалари
ва жамоат хизмати ходимлари
касабани уюшмаси Жондор тумани
кенгаши раиси

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...
1980 йилдан буён Галлаорол марказий поликлиника-сида окулист врач вазифасида ишлаб келган Азимқул Умаров 2024 йил 7 октябрда пенсия ёшига етди. Шу муносабат билан ўзaro меҳнат шартномаси бекор қилинди. Айни чоғда, 23 йил давомида меҳнат таътилдиган фойдаланмагани, бунинг учун компенсация ҳам тўланмагани маълум бўлди. Бу ҳақдаги қонуний талабини иш берувчи – туман тиббиёт бирлашмаси «Маблаг йўқ!» деб рад этди.

**310 МИЛЛИОН
СЎМДАН ЗИЁД
КОМПЕНСАЦИЯ ТўЛАНДИ**

ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО

Яқинда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг «Ишонч телефони»га «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ Самарқанд ҳудудий филиали ходимларидан мурожаат келиб тушди. Унда қайд этилишича, жорий йилнинг июнь ойида 348 нафар ходим мажбурий тартибда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Самарқанд МЭТ филиалига ўтказилган. Аммо уларга яқиний ҳисоб-китоб тўловлари, жумладан, фойдаланилмаган меҳнат таътил пуллари берилмаган.

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекцияси масъул ходимлари Бобурмирзо Абдуллаев ҳамда Алишер Имомов ҳолат юзасидан жойига чиқиб, 7 кун давомида 200 нафардан ортиқ ишчи-ходим билан бир-ма-бир суҳбатлашди.

Урганишлар мобайнида қатор қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликлар аниқланди. Бу ҳақда иш берувчига расмий тартибда кўрсатма хати юборилди.

Қўрилган чора-тадбирлар, олиб борилган сайё-ҳаракатлар натижасида ишчи-ходимлар фойдасига иш берувчидан жами 4 миллиард 647 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

Умуман олганда, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашига йўлланаётган ҳар бир шикоят қатъий назоратга олинди. «Бир мурожаат – бир натижа» тамойили асосида ижобий ҳал этилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Амир АҲМЕДОВ

Шунга ўхшаш ҳолат бирлашмага қарашли «Сохибкор» оилавий шифокорлик пункти мудири вазифасида 21 йил ишлаб келган Баҳрин Эшонқулов билан ҳам рўй берди. У ҳам меҳнат таътили даври учун бирон марта компенсация олмаган экан. Аммо 2025 йил 6 мартда бошқа ишга ўтганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи компенсация тўламади.

Пировардида ҳар иккала собиқ ходим Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгашига мурожаат қилишди. Мажорони Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ш.Шербеков батафсил ўрганиб чиқиб, уларнинг талаби тўғри эканлигини аниқлади. Албатта, Меҳнат кодексининг 234-моддасига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга барча фойдаланилмаган ҳар йилги асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари учун пулли компенсация тўланиши зарурлигидан тиббиёт бирлашмаси маъмуриятини беҳабар, деб бўлмади. Бироқ иш берувчи касабани уюшмаси талабини ҳам инobatга олмади.

Шундан сўнг тармоқ ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши Галлаорол туманларaro судига даъво-ариза киритди. Иккала шифокорнинг ҳам талабини тўғри, деб топган суднинг 2025 йил 21 январь кунги ҳамда 2025 йил 19 май кунги ҳал қилув қарорларига кўра, А.Умаров фойдасига 106 миллион 386 минг 606 сўм, Б.Эшонқулов фойдасига 204 миллион 283 минг 85 сўм, жами 310 миллион 669 минг 691 сўм миқдоридаги компенсация пуллари ундириб берилди.

«Sea Breeze Uzbekistan» лойиҳаси: МУҲОКАМАЛАРНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ ТЎҒРИ ЙЎЛДАМИ?

Шу кунларда «Sea Breeze Uzbekistan» умуммавсумий курорт мажмуаси лойиҳаси ижтимоий тармоқларда асосий мавзулардан бири бўлиб турибди. Муҳокамаларда билдирилаётган фикрларни синчиклаб кузатган киши борки, одамларнинг мазкур лойиҳага катта ҳавотир билан қараётганини кўради.

Бу жуда тўғри ёндашув, шу билан бирга, жамиятда ижтимоий фикрнинг кучи ва қудратига бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганидан далолат берувчи кўрсаткичдир. Қолаверса, қўйлаётган саволлар ҳам жиддий. Ўзи сув танқислиги муаммоси тобора жиддийлашиб бораётган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Пойтахтнинг асосий обихаёт манбаи теграсида шундай катта лойиҳанинг амалга оширилиши ҳар қандай кишини сергак тортириши, шубҳасиз.

Аммо масала шунчалик назоратдан четдами? Наҳотки, ҳукумат бу лойиҳани баъзи чиқишларда тўғридан-тўғри иддао қилинганидек «сотмоқда»?

Агар шунчалик бориш мумкин, деб ўйласак, бу, албатта, хато фикр бўлади. Айниқса, дунёни ахборот бошқараётган бир замонда буни тушуниш учун янада тереңроқ нигоҳ керак бўлади, назаримизда.

Келинг, масаланинг айрим жиҳатларига чуқурроқ киришга интилиб кўрайлик.

МАЗКУР ЛОЙИҲА АҲОЛИ УЧУН НИМАЛАР БЕРАДИ?

Ҳозирги кунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ҳудуднинг туризм жозибадорлигини ошириш учун курорт зоналарини ривожлантириш муҳим вазафа экани исбот талаб этмайдиган реаллик. Бу жараёнга хорижий инвесторларни жалб қилиш нафақат капитал оқимини, балки илгор технологиялар ва стандартларни жорий этиш, халқаро талаблар ва дам олувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий инфратузилма объектларини яратиш имконини яратади.

Инвестиция участкасининг жойлашиши экологик меъёрларга қатъий риоя қилиш ва стратегик режалаштиришга асосланган ваъдани ва масъулиятли ёндашувни талаб қилади. Агар жараён шу нуқтаи назардан амалга оширилса, табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва аҳоли ҳамда сайёҳлар учун қулай муҳит яратиш, айни пайтда ҳудудни ривожлантириш ва иш ўринларини яратиш учун янги имкониятлар очади. Бир сўз билан айтганда, янги курорт локацияси барпо этилишидан аҳолининг иқтисодий имконияти юксалиши, муқим иш ўринлари яратилиши, ҳудуд кифоаси жозибадорлигини ошириш мақсад қилинган.



Ҳукумат комиссияси «Ozalgor Development» МЧЖ ҳамда унинг қўшма корхонаси «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 577 гектар майдонда қуриш режалаштирилган умуммавсумий курорт мажмуасини маъқуллади. Ушбу мажмуанинг қиймати 5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Танланган лойиҳа ҳудудни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратишга хизмат қиладиган замонавий туризм инфратузилмасини яратишни назарда тутди.

«Sea Breeze Uzbekistan» тасдиқланган лойиҳани амалга ошириш доирасида бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Булар нималардан иборат? Курорт мажмуасини қуришга киришишдан олдин барча лойиҳа ечимлари ваколатли давлат органлари билан келишилиши лозим.

Бундан ташқари, курорт ҳудудида истеъмолчиларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар тарифлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда белгиланади. Компания ўз фаолиятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, барқарор қурилишнинг экологик талаблари ва стандартларига риоя қилиш бўйича илгор хорижий тажрибага таянади.

ХУСУСИЙ МУЛК НИМА БУЛАДИ?

«Sea Breeze Uzbekistan» лойиҳаси доирасида қурилиш ҳудудидаги хусусий мулк объектлари билан боғлиқ барча масалалар ҳал этилиши талаби қўйилган. Бунга юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини, шу жумладан, дала ҳовлилар ва мулкчиликнинг бошқа шакллари кириди. Ушбу йўналишдаги барча ишлар

амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Хусусий мулк бўлган объектлар учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ компенсация ва ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари назарда тутилган. Барча тартиб-таомиллар ҳудудни ривожлантириш ва мулкдорлар ҳуқуқларини сақлаб қолиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш, шаффофликни таъминлаш ва ҳар бир босқичда ўзаро тушунишга эришиш йўли билан ҳал этилиши назарда тутилмоқда.

АТРОФ-МУҲИТНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мажмуа ҳудудида яшил майдонларни сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яшил майдонлар экологик ва эстетик қиймати даражасига кўра таснифланади ва энг муҳим намуналарга нисбатан келиш эмас, балки кўчириб ўтказиш чоралари қўйилади. Дарахларни олиб ташлаш муқаррар бўлган тақдирда, компенсация чоралари – янги кўчатларни қўлайитирилган ҳажмда экиш назарда тутилади. Шу тариқа ҳудудни кўкаламзорлаштириш нафақат сақлаб қолинади, балки экологик мувозанат таъминлларига мувофиқ янада кучайтирилади.

ОҚОВА СУВ-ЧИ?

Жуда кўпчиликни жиддий ҳавотирга солаётган масалалардан бири шу!

Қарорда қўйлаётган талабларга кўра, дам олиш маскани сув омбори яқинида жойлашганини инобатга олиб, сув ресурсларини муҳофаза қилишга қаратилган барча экологик талабларга қатъий риоя қилиш белгиланган. Курорт ҳудудида атроф-муҳит ҳолати, жумладан, сув сифати устидан давлат органлари то-

монидан доимий назорат ўрнатилади. Инвестор каналлизация тармогини автоном равишда барпо этиш мажбуриятини олган. Сув хавзаси ва унга туташ ҳудудларнинг ҳар қандай ифлосланишини барқарор этиш имконини берадиган ишончли сув чиқариш ва оқова сувларни тозалаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча муҳандислик ечимлари экологик хавфсизлик ва барқарорликка қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Лойиҳани амалга ошириш даврида ва лойиҳа ишга тушгандан кейин чиқинди ҳамда оқова сувларнинг Чорвоқ сув омбори ва Чирчиқ дарёсига ташланишига йўл қўймаслик, оқова сувларни Чирчиқ шаҳри оқова сувларни тозалаш иншоотига йўналтириш чораларини кўриш «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖнинг асосий мажбуриятларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, қарорда юқорида кўрсатилган экологик талабларга риоя этмаслик ҳолати лойиҳанинг тўхтатилиши ва инвесторнинг ерга бўлган ижара ҳуқуқи бекор қилинишига сабаб бўлиши белгиланган.

ТАҲРИРИЯТДАН:

УШБУ ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЎЗ ФИКРИНИ БИЛДИРАЁТГАН ЎНЛАБ ҲАМЎРТЛАРИМИЗНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ЎҚИБ ТУРИБ, БИР ҚАНЧА САВОЛЛАР ТУГИЛДИ: БИЗ БУГУН ЧОРВОҚ СУВ Омбори атрофидаги ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ҚАНЧАЛИК Кўрмоқдамиз, Назорат қилмоқдамиз? АХИР БУГУН БУ ҲУДУДДА ТОЗАЛИК, СУВНИНГ СОФИЛИгини таъминлаш қай аҳволда экани кўз ўнгимизда эмасми? ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА КУНЛАРИДА ДАМ ОЛИШ, САЛҚИН ҲАВОДАН БАҲРАМАНД бўлиш илинжида борган меҳмонлар у ердаги дам олишга бўлган шайройдан, ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА УЛАРНИНГ НАРХ-НАВОСИДАН, ЭНГ МУҲИМИ, ЎША БИЗ ЖОН КЎЙДИРИМ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛАЁТГАНИМИЗ – СУВГА, СУВ Омборига бўлган муносабатдан нечоғли кўнгиллари тўлмоқда? АСЛИДА МАЗКУР ЛОЙИҲА ОРТИДАН ҚўЙЛАЁТГАН КўПЛА САВОЛЛАРНИ КўТАРИШ, КўН ТАРТИБИГА ҚўЙИШГА АЛЛАҚАЧОН ЕТАРЛИ АСОСЛАРИМИЗ БОР-КУ? УМИД ҚИЛАМИЗКИ, МАЗКУР ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИШИ БУНГУНГИ ОҒРИҚЛИ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲАМ ТУГАЛ ЕЧИМ ТОПИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ФИКР

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

КУТУБХОНА, САЙИЛҒОҶУ ЭКОПАРКЛАР ҲАМ ДОРИХОНАЛАР КАБИ КЎП БЎЛСА ЭДИ...



Хорижда бўлган бирон-бир юртдошимиздан «Сиз борган давлатда дорихоналар кўп эканми?», деб сўрасангиз, «Йўқ!», деб жавоб бериши тайин. Борларда ҳам дори воситалари фақат шифокор рецепти асосида берилди. Бу қандай соғлиқни сақлаш тизимини тартибга солиш, кўп миқдордаги дори истеъмолининг олдини олиш ва беморнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалиётга жорий қилинган.

Маълумотларга кўра, АҚШда 5 минг нафар, Данияда 18 минг нафар аҳолига битта дорихона тўғри келаркан. Ҳақиқатан ҳам, ривожланган давлатларда дорихоналарни деярли учратмайсиз. Чунки улар соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилишади.

Бизда эса бунинг акси. Дорихоналар шу қадар кўпки, беихтиёр ҳамма касалми, деб ўйлайсиз. Айниқса, сўнгги йилларда уларнинг сони каррасига ошиб кетди. Қарога қараманг, аптекага кўзингиз тушади.

Бундан-да ачинарлиси, бирон жойимизда орғиб қолса, шифокорга бориш ўрнига дорихонага чопаемиз. Фармацевтдан маслаҳат олиб, унинг йўриғи бўйича иш тутамиз.

АПТЕКАДА МОЙКАЧИ ЙИГИТ

Автомойкада доим бир йигитга машина ювдирардим. Бир сафар борсам, жойида йўқ. Сўраб-суриштираман, бошқа ишга ўтиб кетибди. Анчадан кейин дорихонага кирдим. Не кўз билан кўрайки, ўша йигит кўли-кўлига тегмай, савдо қилапти. Ростки, ҳайрон қолдим.

– Автомойкада кўринмай қолдингиз, десам, гап бунда экан-да?, – дея саволга тутдим уни.

– Ҳа, энди шу ерни «гуллатяпман», – бамайхотир жавоб берди эски танишим.

Бироз кузатиб турдим. Илинж билан келган мижозларга худди тажрибали шифокордек маслаҳат бериб, дори сотаяпти. Харидорлар ҳам у тав-

сия қилган дориларни индамай олиб кетишяпти. Чуқур ҳўрсиндим у секингина дорихонадан чиқиб кетдим.

Тан олиш керак, дорихоналар сони кун сайин кўпайишида ўзимизнинг ҳам айбимиз бор. Чунки кўпчилик беморлар шифокор маслаҳати бўйича эмас, аксинча, сотувчи тавсиясига биноан иш тутди. Улар орасида ўзига таниш дориларни рецептсиз сотиб оладиганлари ҳам бор. Масалан, тана ҳароратимиз салгина кўтарилса – антибиотик, асабийлашсак – тинчлантирувчи, шамолласак – 3-4 дорини биргаликда ичишга одатланганмиз. Ноаниқ ёки нотўғри дори ичиш эса жигар, буйрак, юракка зарар. Шунингдек, оғир аллергияларга сабаб бўлиши мумкин.

Қисқаси, нотўғри истеъмол қилинган дори хавфли эканини англаб етишимиз керак.

РЕЦЕПТ ИЧИДА КЕРАКСИЗ ДОРИЛАР ҲАМ БОР

Дори истеъмолини камайтиришда шифокорлар ва дорихоналар фаолиятини қатъий тартибга солиш ҳар қачон-

гидан ҳам муҳим. Дориларнинг кўпи рецептсиз берилди. Устига-устак, айрим шифокорлар ҳам беморга маълум фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини ўтказишга уринишади.

Биргина мисол. Врач беморнинг касаллик белгилари билан танишиб, унга рецепт ёзиб беради. Дориларни қайси аптекадан олишни қатъий тайинлайди. У айтган манзилдан керакли дориларни топишингиз аниқ. Чунки у аввалдан дори ишлаб чиқарадиган фирма вакили ёки аптека билан келишиб қўйган бўлади.

– Яқинда қизимни СамПИга олиб бордим, – дейди суҳбатдошимиз. – Узундан-узун навбатлардан сўнг шифокор кўригига кирдик. У шикоятимиз асосида муолажа учун дори-дармон ёзиб берди. Очиғи, рўйхатни кўриб, ҳайрон қолдим. Бир танишимнинг маслаҳати билан фарзандимни бошқа врачга олиб бордим. Унга кўлимдаги дорилар рўйхатини тутқаздим. Шифокор дабудурустан «Фарзандингизни тутқаноғи борими», деб сўради. «Йўқ, фақат инжиклик қилиб, кўп йиғлайди», дея жавоб бердим. Айтишича, рўйхатдаги дориларнинг кўпи тутқаноқ касаллиги учун экан. У қизимни текшириб, бор-йўғи тўрт хил дори ёзиб берди. Кўп ўтмай, фарзандимнинг аҳволи анча яхшиланди.

Тўғри, дорихоналар жамиятда муҳим ўрин тутди. Аммо бу уларни назоратсиз қолдириш керак, дегани эмас. Соғлом турмуш тарзини амалиётга жорий этмоқчи эканмиз, дорихоналарни тартибга солиш, ҳар қандай дори воситасини рецепт асосида беришни қатъий таъминлаш зарур. Акс ҳолда, сай-ҳаракатларимиз зое кетиши, баъзи ҳолларда оқибати аянчли яқун топиши эҳтимолдан холи эмас.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»



БОШҚА ЖОЙДАН ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ, АММО...

САВОЛ: Мутахассис сифатида бошқа корхонага ишга таклиф қилиндим. Бир ҳафта ичида ишдан бўшаб борсам, бошқа ходимни ишга олишганини айтишди. Икки ўртада тайёр ишимдан айрилганим қолди. Корхона раҳбариятининг бу ҳаракати қонунийми? Уларнинг устидан тегишли органларга шикоят қилсам бўладими?

Тошкент вилояти

Эргаш ТОШБОЕВ

ЖАВОБ: Аслида корхона раҳбариятининг ушбу ҳаракати қонунга зид ҳисобланади. Зеро, Меҳнат кодексининг 101-, 119-, ва 220-моддаларида ишга таклиф этилган шахсларни ишга жойлаштириш соҳасида бир қатор кафолатлар кўзда тутилган.

Таклифнома бу – иш беворчининг жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси тузиш учун аниқ ифодаланган розилик билдириш ҳужжати. У номзодга ёзма ёки электрон шаклда юборилиши мумкин.

Башарти иш беворчи ишга жойлаштириш тўғрисидаги таклиф билан жисмоний шахсга таклифнома юборган

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ «ЗАКОВАТ»ДА БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.



«YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!»
ЎZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI HARAKATIGA 120 YIL

БИР АСАР ТАРИХИ

«ЁВҚУРЛАР»НИ ЙИГЛАБ ЁЗГАНМАН...

«Ёвқурлар» сценарийи асосида ишланган «Ҳаёт» бадий фильми ойнаи жаҳон орқали қайта-қайта эфирга узатилди. Бу асарни ёзишга нима туртки бўлганига қизиқиб қолдим. Сценарий муаллифи Зулфия Юнусова билан боғланиб сўхбатладим...

– Фаргона вилоятининг Ражабгарди кишлоғидан жияним келди. У жудаям қизиқувчан. Шунинг учун мени саволларга кўмиб ташлади.

«Аммажон, тинчлик пайтида ҳам Ўзбекистонда уруш бўлганми?» дея савол берди у. Мен ундан «Сурхондарё вилоятининг Сарюсий туманида бўлган қонли жангни эшитмаганми?» дея сўрадим. Жияним «Бу ҳақда бизга ҳеч ким айтмас экан тарих китобларимизда ёзилмас, мен қаердан билар?» деди кўзларини ерга тикканча. У ҳақ эди. Чунки ҳозирги даврда ҳам қанчадан-қанча йигитларимиз Ватан учун жон фидо қилаётганликларини биз ёзмас экан айтиб бермасан, ёшлар қаёқданам билишарди, деган тўхтама келдим. Шундан сўнг уша воқеалар ҳақида қисса ёзишга жазм қилдим.

2000 йилнинг ёзида жанубий сарҳадларимизда катта лейтенантлар – Маҳмуджон Жалилов, Чори Ражабов, Камолиддин Тошўлатов, Асилбек Мирзаев, Исмаилло Ходжаев, Алишер Салимов, лейтенантлар – Сайёр Садинов, Бобуржон Ғаниев, сержантлар – Қахрамон Мадалимов, Маъруфжон Ражапов, Эломон Отажонов, Хайридин Холбоев каби 17 нафар шероқар углон она-Ватан ҳимояси учун азиз жонларини фидо қилишди. Бир йил давомида улар кўрсатган жасоратлари ҳақида маълумотлар йиғдим. Мудофаа вазирлигининг махсус операцияларни амалга оширувчи 65-батальон командири, полковник Ботир Абдуллаев, ҳамкасбим Ахрор Очиллов Сарюсий ва Узун туманларида террористларга қарши жанговар ҳаракатда қатнашган ҳарбий хизматчиларни топишда ҳамда маълумотлар олишга ёрдам беришди. Андижон, Наманган ва Фарғонадаги жанговар ҳаракатда иштирокчилари ҳақида маълумот йиғишда эса полковник Музаффар Солиев кўмаклашди.

Вафот этган йигитларнинг ота-оналари билан ҳам учрашдим, уларга далда бергим келди. Ахир мен ҳам онаман. Дардларини юрак-юракдан ҳис қилдим. Фарзанд доғида қалби йиғлаётган оналарнинг, ҳали ҳаёт завқини суришга ҳам улгурмай қолган бева келинчақларнинг кўзларидаги мунгни аритолмайман. «Дадам қачон келади?» дея сўраган болакайнинг саволига жавоб беролмай қийналаман. «Ёвқурлар»ни йиғлаб ёзганман...

Ҳа, ҳар қандай вазиятда ҳам чегараларни кўриқлаётган йигитларимиз бор бўлишсин. Улар эл-юртга содиқ, ҳамшира сергак ва фидойий, юртимиз тинчлигини мустаҳкамлашга астойдил бел боғлаган жасур углонлардир.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Улуғбек Отажонов ижросида «СЕНСИЗ» кўшиғи

Севгилим, севгимиз шамолдай эсди, Ҳижронга беланди хаёл. Биз учун аталган бахтимиз безди, Зор этди бир умр висол.

ТАДБИР

Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши тизимидаги муассасаларда фаолият олиб бораётган ёш ходимлардан тузилган 14 та жамоа ўзаро беллашди.

«Касаба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» шиори остида кечган баҳсларда биринчи ўринни Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг «Адреналин» жамоаси, иккинчи ўринни Жомбой тумани тиббиёт бирлашмасининг «Жомбой» жамоаси эгаллади. Учинчи ўрин Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вилоят бошқармасининг «Табиий назорат» жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга касба уюшмаларининг эсдалик совғалари ҳамда Хоразм вилоятига уч кунлик саёҳат сертификатлари топширилди.

Ферузбек РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

МУЛОҲАЗА

Бизнинг жамиятда фарзандли бўлиш нимагадир ижтимоий мажбурият сифатида қабул қилинади. Бу интилишнинг оғирлиги эса, аксарият ҳолларда айнан аёллар зиммасига тушади.

ФАРЗАНДСИЗЛИК – АЁЛГА ЮКЛАНГАН АЙБМИ?

Маълумотларга кўра, дунё бўйича аҳолининг тахминан 17,5 фоизи, яъни ҳар олти кишидан бири бепуштлиқдан азият чекмоқда. Бу барча мамлакатлар ва минтақаларда соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммосига айланган. Аини ҳолат юқори, ўрта ва паст даромадли мамлакатларда деярли бир хил даражада кузатилади ва глобал миқёсда муҳим тиббий ва ижтимоий муаммога айланган.

Бепуштлиқ шунчаки тиббий муаммо эмас. У инсон қадрини, шахсий эрк ва инсонийлик чегаралари ҳақидаги жамиятнинг яширин тушунчаларини намоён этади. Фарзандсизлик табиий ҳолат ёки тиббий муаммо ўлароқ эмас, балки «айб», «камчилик» сифатида баҳоланган муҳитда яшаш аёл учун осон эмас.

Афсуски, жамиятда ҳали ҳам аёлнинг «ишончилиги» она бўлиши билан ўлчанади. Аёлнинг севиғига, меҳнатига, ҳамроҳлигига эмас, насл қолдириш қобилиятига қаралади. Агар оилада фарзанд туғилмаса, аёлнинг қадрини пасайиб, ҳатто турмушдаги мавқеи ҳам сўроқ остида қолади. Бу пайтда аёл нафақат шифокорлардан, балки ўз яқинларидан ҳам таъна эшитади. «Юзимишни ерга қаратиб кўйдинг», «Одамлар гап-сўз қилаяпти», «Балки ажра-



гирдобда яшадим. Текширувлар, дорилар, даволаш усуллари. Қутуш ва умид. Ҳар бир натижасиз муолажа нафақат қайғу, балки янада бошқа эътирозларни ҳам бошлаб берар эди. Бу ҳолат ўн йилдан сўнг фарзанд неъматига эришганимдан кейингина тўхтади.

Муаммо шундаки, жамиятимизда фарзандсиз аёл ўз дардини очикчасига айта олмайди. Рухий оғриқни қалбда яширади. Ва шу сиқилми унга, унинг танасига, жамиятдаги ўрнига таъсир қилади. Бу шунчаки урф-одат эмас,

балки инсон қалбини яра-лайдиган, муҳаббат ўрнига шубҳа туғдирадиган ижтимоий жараён. Унга дуч келган оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, маънавий, психологик ёрдам бериш жамиятимиз учун муҳим масаладир.

Шу нуқтаи назардан, фарзандсизлик масаласига муносабатни қайта кўриб чиқиш лозим. Жамиятда унга муносабат ўзгармаса, юзлаб аёллар «ўз айбини ювиш» учун ҳаёт кечиради.

Аёл кишининг қадрини дунёга келтирадиган фарзандлар сони билан ўлчанмаслиги лозим. Фарзандсиз бўлса ҳам, оиласи учун суянк, жамият учун баракка бўлиши мумкин. Бу тушунчани чуқур англашимиз нафақат аёлларнинг, балки барчамизнинг бурчимиздир.

Фарзандсиз оилалар тақдирини инсон ҳуқуқи нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вақти келди. У ҳақда сукут сақлаш, таъна қилиш ёки уят туйғуси билан ёндашиш ўрнига, масалага жиддий ёндашиш, бекфарзанд аёлларни қўллаб-қувватлаш, эшитиш ва тушуниш лозим бўлади. Чунки аёл инсон! У юраги, ҳис-туйғулари билан яшайди. Унинг ҳаёти фақат она бўлиши билангина эмас, яшаш билан ҳам қимматлидир.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

МИЛЛАТ ОЙНАСИ МУДОМ ЯРҚИРАБ ТУРСИН

Жадид адабиётининг етук вакили, олим ва педагог Абдулла Авлоний тил ва адабиётга «ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти», деб тавсиф берган эди.

Тил – миллатнинг борлиги, борлиги, ўзлигини намоён этувчи бош мезон. Тил – миллий гуруҳ, орият ва ҳақиқат тимсоли. Тил миллатнинг нафақат «дунёда борлиги», балки унинг яшовчанлиги, давомчилиги асоси ҳамдир. Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий сўз кудратига баҳо бериб, бундай дейди:

Сўздурки, нишон берур
ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга
хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади
жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ
йўқ ондин.

Ривоятлардан бирида айтилишича, шоҳ Хусайн Бойқаро мулозимлари билан богда сайр қилиб юрса, бог этагида гулларни парваришлаб, табиат гўзалликларидан завқланиб турган шоир Навоийга кўзи тушибди. Хукмдор анчадан буён ўзини ўйлантириб келаётган саволага жавоб топиш мақсадида шоирга ишора қилиб бошини кўрсатибди. Навоий ҳам узоқ мулоҳазага бормасдан тилига ишора қилибди. Бу имо-ишоралар сирига тушунмаган мулозимлар бироздан сўнг Навоийдан изоҳ сурашибди. Шоир: шоҳ бошга бало нимадан келади, деб сўради, мен тилдан деб жавоб бердим, деган экан. Дарҳақиқат, Шарқ мутафаккирлари азалдан тил одоби, ахлоқ гўзаллиги, сўз нафосатига алоҳида эътибор қаратишган.

Аҳмад Юнқайи «Ҳибат ул-ҳақоийк» асарига тилини арслонга қиёслайди: агар эҳтиёткор бўлмаса, у сўзловчининг бошини ейди: «Тил арслон турур, кўр эшикда ётур Аё эвлуг арсиқ бошинини еюр». Шубҳасиз, сўз масъулияти, унга нисбатан талабчанлик, ҳар бир сўзни ўринли, мароми ва меъёрида ифода этишга ундаш адабиётнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Шу маънода, буюк мутафаккир Алишер Навоий сўзни, яъни сўзловчига эмас, у айтаётган сўзнинг маъносига, моҳиятига диққат қилишга рағбатлантиради: «Сўзчи ҳолин боқма, бок сўз ҳолини. Қурма ким дер они, кўргилким, не дер». Сўз – ўзлик таржумони, яъни кишининг билими, савияси, маънавий-ахлоқий қарашлари сўз орқали юзага чиқади.

Очиги, кўпинча тил кишилар ўртасидаги ўзаро фикр алмашиш воситаси ўлароқ талқин қилинади. Бироқ тил руҳият ифодаси, идрок тамағи, асл «мен»лик чироғидир. Шаҳ маънавиятининг муҳим белгиси бу – муомала. Улуғ шоир Алишер Навоий «Маҳубул ул-қуллуб»да хилми, яъни хушмуомаланинг хусусида алоҳида таътилган бевеж эмас: «хилми инсон вужудининг фавоқхиллиги (меваали – М.А.) боғидур, одамлигил оламнинг жавоҳирлиги тоғи». Қуринадики, барча гўзал инсоний фазилатларнинг дилбар ифодаси тилда, сўзда, унинг нафосатида ва, албатта, сўз соҳибининг одобу ахлоқида намоён бўлади. Хўш, унда сўзга жозиба улашувчи асл таомилларнинг неғизи қаерда?

Дарҳақиқат, тил – чинакам маънавий кудрат, руҳий матонат рамзи. Унда миллатнинг некбин кайфияти, ўлмас тарихи, эртанги ёруғ кунларга бўлган чексиз ишончи мужассам. Алишер Навоий ҳам ўз ҳикматларидан бирида тилга эътиборни эл-юртга эътибор билан тенглаштиради. «Мухокамат ул-луғатайи» асарига эса «сўз дуррининг тафавути мундин доғи бегоғадур ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур, андоқки, шарифидин ўлган баданга руҳи пок етар», деб ёзади. Улкан шоир Рауф Парфининг қўйидаги мисралари ҳам улуғ салафининг фикрларига уйғун:

Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,
Абуттурк нафаси, Олтой чечаги.
Хун давридан омон келди
Ғиротинг,
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртағи...

Тил тақдирига дахлдорлик ва она тилимизга бўлган муҳаббат туйғуси ёшларимизда асллар давомида яшаб келаётган маънавий қадриятларимизга ҳурмат ва ифтихор билан бирга, ватанга фидойилик кайфиятини уйғотиб, маънавий етуклик чўққиларини эгаллашларида мислсиз аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир.

Муайян халқнинг ўтмиши, бугуни, ўзига хос қадриятлари, орзу-армонлари, дунё тарихида тутган ўрнини билиш учун унинг адабиётини ўрганмоқ керак. Абдулҳамид Чўлпон «Адабиёт яшаса, миллат яшайди» деганида нечоғли ҳақ эди. Ўзбек адабиёти буюк бир тарих ва беқиёс меросга эга. Халқ донишмандлиги намуналари, «Авесто», Урхун-Энасой битикларидан озиқланган сўз санъати дурдоналари Алишер Навоий ижодиёти билан ўз тараққийнинг беимисл босқичига қадам юксалди, ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан бойиб, жаҳон адабиётининг энг сўнгги ютуқлари таъсирида бугунгача қиммату эътиборини заррача сусайтормади. Фикрлар хилма-хиллиги, образлар дунёсининг кенглиги, бадий маҳорат мезонларига турлича ёндашувлар иждоқкорлар ва асарлардаги ўзига хослики юзага чиқарувчи омил деб қаралиши мумкин, аммо адабиётнинг бош маслаги ҳаммиша битта: Комил шахс тарбияси.

Адабиёт образлар тилида сўзлайди. Ўз истак-хоҳишлари, мақсад-муддаоларини тимсоллар орқали баён этади, тавсирлайди. Образ эса адабиётнинг жонли нафасидир.

Ўзбек адабиёти ўз тарихи мобайнида бир неча тараққий босқичларини босиб ўтди. Турли даврларда замон ва макон қарашларидан, мафкура талабларидан келиб чиқиб, шаклий ва мазмуний эвриллишларни ҳам бир қадам боддан кечирди. Бироқ ўз эътиқоди, ҳаётбахш гоғларидан ҳеч қачон воз кечган эмас. Ана шуниси билан ҳам ўзбек адабиёти умрбоқийликка, мангунликка дахлдор. Жумладан, қўлида адолат маъбни банд тугган, миллат муҳаббати, халқ иродаси учун забардаст куч бўлиб тарих саҳнасига чиққан жадид иждоқкорлари ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Қодирий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон сингари сўз санъаткорлари қолдирган улуғ мерос бугун халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадлар билан мухоамал: Айниқса, Отбек, Анвар, Кумуш, Раёно каби ўлмас образлар ёшларимиз маънавиятини бойитишга, улар учун йўлди юлдус бўлишга, том маънода, хизмат қилиши мукаррардир.

Умуман олганда, тил ва адабиёт юксак камолот эгаларини тарбиялашда, уларни чин инсонийлик фазилатларига ошно этишда, дунёга миллатни миллат, халқни халқ ўлароқ танитишда муҳим аҳамиятга эга. Тил ва адабиёт ўз ўқувчиларини олам, борлик, тириклик моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритиш, жамият муносабатларининг тартиб-қоидалари хусусида мулоҳаза қилишга ундайди. Янги гоғлар билан янги марралар сари дадил интилаётган она Ватанимизда маъна юксак, жисмонан бақувват, руҳан уйғоқ ёшларнинг камол топишида бетақдор мавқе эгаллайди.

Мақсуд АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклор институтини
директори ўринбосари, филология
фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон журналистikasi ва оммавий коммуникациялар университети жамоаси таълим даргоҳи кафедра мудири, профессор Акбар Норматович Нурматовга волидаи муҳтарамаси
Уғилой она СУВОНОВА
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Чирчиқ давлат педагогика университети жамоаси олий таълим муассасаси ректори, профессор Ғафуржон Исроилович Муҳамедовга синглиси
МОҲИРА Я
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
2007-йил 11-январда Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)
Bosh muharrir Husan ERMATOV
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV
Musahihlar:
Dilorom XUDOBERGANOVA,
Umida XUDOBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 22:40
Topshirildi – 22:50
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch.uz
1991@yandex.ru
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiy tashitirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 076 ta
Shundan: 6 079 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 881 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-811**
1 2 3 4 5 6